



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР - ОДОБ-АХЛОҚ МЕЗОНИ

Муҳайё УМАРАЛИЕВА,

*Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий
институтини “Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш
илмий-тадқиқот” бўлими бошлиғи, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD), катта илмий ходим*

Тарихчи Геродотни ва ривожланиш шундай кучли Шарққа қилган сафари чоғида бўлмоқдаки, озгина фурсат Миср эҳромларида дуч келган ўтар-ўтмас қуруқ ва чириган “Ёшларнинг тарбияси бузилиб таассубларимизни илдизи билан кетяпти. Нима қилмоқ кўпориб ташлайди. Шунинг учун керак?!”, деган битик ниҳоятда барча ёшларимиз бу борада бир ажаблантирган. Муаррихнинг бу нарсга таянишлари мумкин. Ёзувни ўқиганига, табиийки, икки Бу нарса илму маърифатдир”. Ёзувнинг Эътибор қаратинг, бу гаплар битилганига эса ундан ҳам кўпроқ гўё бугун, бугунги кун учун вақт ўтгани эҳтимолдан холи эмас. айтилгандай.

Демак ёшлар масаласи ҳеч қачон ўз Зеро, ёшлар тарбияси бугунги долзарблигини йўқотмаган, унга кун учун ҳам асосий ва долзарб барча даврларда турли даражада масалалардан бири ҳисобланади. муносабат билдирилган. Ёшларнинг қизиқишлари, орзу-умидлари, ўз келажагига бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий қарашлари, улар жамиятда қандай ёшларга муурожаатномасида, ўринни эгаллашни хоҳлаши жумладан, бундай ёзади: “... билан боғлиқ бўлган жараёнларни Ушбу тараққий этган замонда кузатиш, таҳлил қилиш, бу хусусда илмсиз, маърифатсиз, қуруқ тўлиқ ва холис маълумотга эга таассуб билан яшаб бўлмайди. бўлиш бугунги кунимиз учун ҳам Ҳозирги замонавий тараққиёт ниҳоятда муҳим масала саналади.

Социолог ёхуд жамиятшунослар ҳам асосий эътиборни ёшларга қаратган, уларга ўзига хос маданий хусусиятлар, қизиқишлар, қадриятлар ва ўзини тутиш меъёрларига эга бўлган ижтимоий гуруҳ сифатида қараган, навқирон авлоднинг ўзига хос муаммолари, уларнинг ижтимоий илдизлари



ҳақида фикр юритган.

Илмий таҳлиллар ёшлар муаммоларини алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида тадқиқ қилиш уни ўрганишнинг асосий методологик принципи эканини кўрсатмоқда. Ёшлар жамиятнинг таркибий қисми, унинг ўзига хос гуруҳи сифатида намоён бўлади. Шу боис навқирон авлод шаклланиши ва ҳолатини унинг асосий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ бир жамият

доирасида таҳлил қилиш зарур.

Миллий мафкура билан боғлиқ вазифалар тарбиявий жараёнда махсус ташкил этилган маънавий-маърифий ишлар воситасида амалга оширилади. Тарбиявий жараён таълим муассасаларида ўзига хос маъно касб этади. Таълим муассасаларида илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадрият ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросим, байрам ва ўйинлар тарбиявий жараён асосини ташкил этади.

Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари миллий истиқлол ғояси билан қуролланган бўлиб, уни ҳар бир ўқувчи онгига етказиш малакаси ва маҳоратига эга бўлиши лозим. Баркамол шахс тарбияси барча даврда ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган.

Таълим муассасаларида тарбиявий жараённи ташкил этиш ва ўтказишда тарбия технологиялари ёки интерфаол услублардан фойдаланиш ўқувчида ўз юртига меҳр-муҳаббат, оилапарварлик, касбий фидоийликни шакллантиришга ёрдам беради. Тарбиявий жараён

умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-ҳунар, олий таълим муассасаларида ўзига хос аҳамият касб этади.

Тарбия – шахсни шакллантиришга йўналтирилган, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлиги учун махсус ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараён саналади. Тарбия жараёнининг энг асосий мақсади ва натижаси ҳар томонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришдан иборат.

Таълим муассасаларида тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва муваффақиятли давом эттириш учун зарур бўлган тарбиявий иш услублари, билим, малака ва маҳорат тизими, замонавий педагогик технологияларни тарбиявий ишлар амалиётида қўллаш билан боғлиқ масалалар педагогик жамоалар учун энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тарбиявий ишлар технологиясини тўғри ташкил

қилиш ва қўллашга боғлиқ.

Бу эса таълим муассасаларида тарбиявий ишларни амалга ошириш услубини замонавий педагогик технологиялар асосида олиб боришни тақозо этади. Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар технологияси ижодий ёндошув, мустақил фикрлаш, моҳирона ҳаракат, ўқитувчи ва



ўқувчи ҳамкорлиги, тарбиявий ишларда энг фаол шакл, усул ва услублардан фойдаланиш, доимий ва жамоавий фаолиятни тақозо этади. Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар услубиёти ва уни амалга оширишнинг педагогик технологияси лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат ва таҳлил қилиш каби ҳаракат ва амалиёт кетма-кетлигидан иборат бўлади.

Билимли, маънавияти юксак ва соғлом ёшлар мамлакатимиз келажаги саналади. Бундай

авлодни тарбиялаб вояга етказишни эса, асосан, педагог-ўқитувчилар амалга оширади. Педагог-ўқитувчилар ёшларни юксак маънавиятли, комил инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, уларни дунёвий билимлар билан қуроллантиради, келажак ҳаётга тайёрлайди. Демак, Ватан келажаги, унинг равнақи кўп жиҳатдан ўқитувчи-устозлар бераётган билим миқёси, мазмун-моҳияти ва ҳаётийлигига боғлиқ. Ёшларимизда замонавий билим ва малакаларни шакллантириш, касбга ўргатиш, уларни одоб-ахлоқли, маънан юксак, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, иродасини мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.